

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 1 сентябрь-5 сентябрь)**

№1

Тошкент – 2015

**Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт
йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи**



Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар! Бугун мана шу гўзал ва муҳташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаш — мен учун катта бахт, катта шарафдир. Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик

давлат куриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир. Айнан мустақиллик топталган кадрятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни куриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак. Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани — ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинмиди? Бунга жавоб битта — йўқ ва асло йўқ. Бу фикрнинг яққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз кўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас. Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта. Мамлакатимиз Ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир. Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича, Ўзбекистон “Бутунжаҳон бахт индекси”да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди. Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик. Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил. Азиз дўстларим, юртдошларим! Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт куришда шошмашошарлик, калтабинлик ҳолатларига, палапартиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ

эгаллайди, деган мусобақаларга кўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узокни кўзламайдиган “маслаҳатчи”лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик. **Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.** Азиз юртдошлар! Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман. Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган ХХІ аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда. Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз, иншооллоҳ. Шу борада бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир. Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор. Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур. Азиз дўстлар! Ҳозирги кунда яқин ва узок атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият ғоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли

худудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутди. Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз худудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айти шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. **Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.** Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади. Шу мақсадда биз яқин ва узоқ кўшнилари билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Азизларим, қадрли юртдошларим! Бир ҳақиқат ҳеч қачон ҳаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам продаси мужассамдир.** Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан. Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман. Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман. Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз. **Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!** Азиз ва мухтарам ватандошларим! Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман. Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Президент Ислон Каримовнинг «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи



Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган, қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида, не-не буюк воқеалар гувоҳи бўлмиш мана шу муаззам ва улуғвор Регистон майдонида сиз, азизларни — “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларини чин қалбимдан муборакбод этишга, Самарқанд аҳли номидан, бутун халқимиз номидан “Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Самарқандга!” деб, қизгин салом ва эзгу тилақларимизни етказишга ижозат бергайсиз. Фестивалимизда иштирок этаётган фахрий меҳмонларимиз — ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фальт, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилотининг Осиё минтақаси бўйича Бош котиби Мун Хюнг Сук, Япониянинг “Мин-он” мусиқа уюшмаси президенти Хироясу Кобаяши жанобларига, бугунги маросимда ҳозир бўлган дипломатик корпус вакилларига самимий эҳтиромимни билдиришдан мамнунман. Мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳлини кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни

билдириб, сиз, азиз ҳамшаҳарларимга, барча-барчангизга ўзимнинг фарзандлик меҳрим ва ҳурматимни яна бир бор изҳор этаман. Азиз мусиқа ихлосмандлари! Муҳтарам дўстлар! Мусиқа санъати инсонни ҳамиша эзгуликка чорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч, десак, ўйлайманки, ҳеч ким бу фикрни инкор этолмайди. Чиндан ҳам, дунёдаги турли миллат, тил ва эътиқодга мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлайдиган, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мусиқа санъати каби қудратли воситани топишнинг ўзи қийин. Биз бу йил “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг ўнинчи — ўзига хос юбилей анжуманини ўтказмоқдамиз. Фестивалга асос солинган 1997 йилдан буён иштирокчи мамлакатлар жуғрофияси кенгайиб, уларнинг сони икки баробардан зиёд кўпайиб, 31 тадан 66 тага етганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради. Бу йилги мусиқа байрамимизга Осиё ва Африка, Европа ва Америка китъаларида, Шарқ ва Ғарб минтақаларида жойлашган ўнлаб давлатлардан ноёб истеъдод соҳиблари, машҳур ижодий гуруҳлар ташриф буюргани ўтган қисқа даврда фестивалимизнинг довуғи бутун дунёга тараннум этилиб, унинг обрў-эътибори ва нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Бунинг замирида аввало фестивалнинг юксак гуманистик ғоялари мужассам бўлиб, “Самарқанд руҳи ва фалсафаси” деган чуқур маъноли ибора халқлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, маданий мулоқотни ривожлантиришга, мумтоз мусиқа анъаналарини асраб-авайлашга олиб келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта. Бунда авваламбор мана шу майдонда тўпланган сизлар каби ҳақиқий санъат усталарининг жонқуярлиги ва фидойилиги, халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, ЮНЕСКОнинг муносиб ҳиссаси, ушбу анжуманни жону дили билан қўллаб-қувватлаб келаётган халқимизнинг катта хизматлари борлигини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Ҳурматли дўстлар! Шу кунларда буюк Шарқ тимсоли бўлган кўҳна Самарқанднинг замонлар руҳини ўзида мужассам этган ўлмас обидаларидан, мовий гумбазлари ва юксак минораларидан, маҳобатли пештоқларидан гўёки асрлар садоси таралаётгандек, шу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган улуғ мутафаккирлар, аллома ва санъаткорларнинг овозлари янграб тургандек туюлади. Биз учун кўҳна тарихнинг ўчмас саҳифаларини очиб берадиган, Рим каби “абдий шаҳар” деган юксак эътирофга сазовор бўлган ана шу шаҳарда сизлар билан учрашар эканмиз, бугунги кунда турли муаммо ва зиддиятларга тўла замон қандай тез ўзгариб, қандай шиддат билан ўтиб бораётганини чуқур ҳис этамиз. Шу билан бирга, умримизга маъно-мазмун бахш этадиган маданият ва санъат олами билан яқиндан ошно бўлиш, жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу гўзал ҳаётни қадрлаш, халқларимизнинг маданий бойликларидан бир-биримизни кўпроқ баҳраманд этиш заруратини янада теран англаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ер юзининг сайқали” деб шуҳрат қозонган кўҳна Самарқанд мана шундай шуқуҳли айёмда, таъбир жоиз бўлса, жаҳон мусиқа санъатининг сайқалига, ўзига хос бетакрор марказига айланиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Америка Қўшма Штатларида чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири яқинда Самарқанд шаҳрини “Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган элликта шаҳри” рўйхатига киритди. Бу хабар жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарқалди ва ўйлайманки, сизлар бундан хабардорсиз. Бу қадимий шаҳарнинг тарихи қанчалик буюк ва шарафли

бўлса, унинг бугунги ҳаёти, замонавий қиёфаси ҳам шунга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳар томонлама обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўйлайманки, фестиваль кунларида сизлар шахримизнинг қадимий зиёратгоҳлари, майдон ва хиёбонлари, обод маҳаллаларида бўлиб, бу заминнинг кўпни кўрган, кўнгли очик, мард ва хушфееъл, ўз урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаб келаётган одамлари билан суҳбатлашиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Самарқанд халқининг меҳмондўстлик фазилатларидан баҳраманд бўлиб, бу афсонавий шаҳарга бир умр мафтун бўлиб қоласиз, санъатни чин дилдан севадиган, уни юксак қадрлайдиган эл-юртимиз вакиллари билан бўладиган самимий суҳбат ва мулоқотлар янги асарлар учун илҳом манбаи бўлиб қолади, десам, адашмаган бўламан. Биз сизларни нафақат муҳтарам меҳмонларимиз, балки ўз халқининг қалби ва руҳини мусиқа орқали ифода этадиган, уларнинг эзгу орзу-истаклари ва саломини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари, ўзимизнинг энг яқин ва азиз дўстларимиз сифатида қабул қиламиз ва шарафлаймиз. Сизларнинг мана шу улуғвор саҳнада янграйдиган мафтункор куй ва кўшиқларингиз, дилбар тароналарингиз ҳар биримизнинг юрагимизда, ҳаёлимизда узоқ сақланиб қолади. Ўз қимматли вақтингизни аямасдан, бизга мана шундай ажойиб санъат намуналарини, мана шундай қувончли дақиқаларни бахш этганингиз учун барчангизга катта миннатдорчилик билдириш, ўзбекона раҳмат айтиш — мен учун катта шараф. Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим! Шу юксак минбардан туриб, барчангизга яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, фестиваль ишига муваффақият тилайман. Эътиборингиз учун ташаккур.

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги
муносабати билан Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов номига хорижий
давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро
ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари
ва ишбилармон доира вакиллари билан самимий
қутловлар келмоқда.**

Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, раванқ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган. Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**

Эрон Ислон Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Қандов**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари —
Юрий Штерк
Германия — Ўзбекистон жамияти президенти — **доктор Вольф Бауэр**
Германия — Ўзбекистон жамияти вице-президенти — **Дитер Бранденбургер**
Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий
вакили — **Томас Кунце**
Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари —
Викентий
«Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — **Дайсаку Икеда**
Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобининг тақдимот маросими

Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нурунийлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Очиқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжуманда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди. Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматларининг юксак эътироф этилгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобидан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар. Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиклолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улғу мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон — ўзбек давлатининг асосчиси, бетакрор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди экани эътироф этилди. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш. Сирожиддинов, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Содиков, Олий Мажлис Сенати

аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири С. Оstonов, Тошкент давлат санъат ва маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор А. Маврулов, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж. Иноғомов, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани “Амир Темур” фермер хўжалиги раҳбари Н. Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж. Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганини қайд этиб, ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти хусусида атрофлича фикр билдирдилар. Учрашувда халқимизнинг тафаккур хазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари руҳлантиришда бекиёс аҳамиятга эга бўлган “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ахборот соати раҳбари

С.Х.Қодирова